



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 22 март, № 60 (4723)


Якшанба

МЕҲР-ОҚИБАТ, ГЎЗАЛЛИК ВА САХОВАТ БАЙРАМИ



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз тантаналаридан репортаж

Инсон ҳар доим эзгуликлар оғушида яшайди. Яхши кунларни, фарзандлари камолини кўрсам, дея ният қилади. Эл-юртга наф келтиришни, боғроғлар барпо этишни, ўздан яхши ном қолдиришни истади. Бу эзгу ниятларнинг ижобати эса, шубҳасиз, Ватаннинг тинч-осойишталиги билан чамбарчас боғлиқдир. Шукрки, она-юртимиз тинч, мамлакатимиз обод. Ана шундай озод юртининг обод манзилларида эса сизу биз азалий айём — Наврўзи оламини зўр қувонч ва катта ҳурсандчиликлар ила қарши олаёпмиз.



Наврўз — азал-азалдан аждодларимиз томонидан соғинч билан кутилган айём. Ушбу байрам баҳона ота-боболаримиз ўзларининг урф-одатлари, анъанаю удумларини намойиш этишган. Бу кун ўзида миллий ўйинлар, халқона томошаларни мужассам этган.

Бухоро кунлари ерига уруғ, боғига кўчат қадаётган бободехқонларимиз шижоатиға шижоат, гайратига гайрат қўшилади. Бу шодидна кунларига олинажак ҳосилнинг чўғи баланд, экилган ниҳолларнинг азим дарахт бўлишиға ният қилинади.

Бугунги кунда бутун халқимиз янги йилда ўз олдимизға қўйган юксак вазифа ва марраларни амалға ошириш йўлида белни маҳкам боғлаб, эртанги кунға катта ишонч билан меҳнат қилмоқда.

Қаҳрамонлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият ва санъат намояндлари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мухтарам отахонлару онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, шунингдек, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрганлар.

Сизу Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовға берилади. Мамлакатимиз раҳбари халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Мухтарам меҳмонлар! Шу кунларда баҳор нафаси тобора кучайиб, атроф-муҳит яшил либосға бурканиши билан, орзиқиб кутган Наврўзи оламини юртимизға кириб келиши ҳаммамизни кечкис қувонтиради.

Наврўзи оламини биз барча Шарқ халқлари қатори азал-азалдан, минг йиллар давомида, "Авесто" замонларидан буён сақлаб ва эъзозлашиб келаётган, бизнинг миллий табиатимиз ва одатимиздан ажратиб бўлмайдиган, энг қадимий ва энг сеvimли, чиндан ҳам, ҳақиқий халқ байрами сифатида қадрлаймиз.

Наврўзи оламини биз ўзининг чуқур маъно-мазмуни ва фалсафаси билан ҳаётимиздан алоҳида ўрин олган, яшариш ва янги-ланиш палласи, шарқона янги йилнинг дебначаси сифатида ардоқлаймиз.

Айниқса, фидойи деҳқонларимиз ва фермерларимиз 2009 йилға "Қишлоқ таъриқиети ва фаровонлиги йили" деб ном берилгандан руҳланиб, яхши ният ва азму шижоат билан бепоён далаларимизда янги мавсумни бошламоқда.

Бунинг тасдиғи айни шу кунларда — барчамиз бағримизни кенг очиб, Наврўз айёмиға пешвоз чиқаётганимизда, шаҳар ва қишлоқларимиз, воҳою водийларимизда ўтаётган сайил-томошаларда, тансиқ баҳор таомларини тайёрлаб, уларни ўз яқинлари, ёру дўстлари, маҳалла-қўй билан баҳам кўраётган минг-миглаб одамларнинг шоду хуррамлиғида яққол намоён бўлмоқда.

Халқимизда азалдан янги йилнинг серхосил ва омадли бўлиши Наврўзнинг қандай келишиға, уни қандай кутиб олишиниға боғлиқ, деб бежиз айтмайди.

Баҳор фаслининг юртимизға серёмғир келиши, кузда эккан экинларимиз тобора кучға тўлиб, қўкка бўй чўзаётгани, ўлкаимизда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, Наврўз айёмини мана шундай шукроналик ва мамнулик кайфиятида, хурсандчилик билан кутиб олаётганимиз — буларнинг барчаси бу йилги кўзлаган юксак марраларимизға, орзу-ниятларимиз ва мақсадларимизға албатта эришамиз, деган ишонч тугдиради.

Бу борада турли қийинчиликларға қарамасдан, мамлакатимизнинг бу йилги иқтисодий ривожланиши ва меҳнатчиларимизнинг оладиган маошлари, пенсия, нафақа ва стипендиялар, бир сўз билан айтганда, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифат кўрсаткичларининг ўсиши, иншоолло, ўтган йилгидан кам бўлмайди. Шундай деб айтишға бугун барча асосларимиз бор.

Мухтарам ватандошларим! Юртимизға Наврўз байрами кириб келиши билан мен бугун шу мухташам ва бетакрор майдонда тўпланган сиз, азизларимизға, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизға ўзимнинг чуқур ҳурматимни билдириб, қалбимда, юрагимда бўлган энг самимий тилакларимни изхор этишни ўзим учун катта бахт деб биламан.

Илоё, хонадонларимиздан меҳру оқибат, файзу барака аримасин! Табаррук кексаларимизнинг умрлари узоқ бўлсин!

Бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз ўзиға раво кўрган яхшилик ва эзгу тилакларни доимо ўзгаларға ҳам раво кўради.

Барча эзгу орзу-ниятларимиз рўёбға чиқсин! Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин! Наврўзи олам барчамизға муборак бўлсин!

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги байрамимизда қатнашаётган хорижий меҳмонларимизға, элчилар ва чет эл ваколатхоналарининг вакиллариға, барча-барча қўшма ҳамкорларимизға уларни бизнинг дўстимиз

ни шукроналик билан дастурхонимизға тортамыз. Наврўз — истибдод тузум ҳукмронлиғи давридаёқ оқил ва одил йўлбошчимиз Ислам Каримов жасорати туфайли юртимизға қайтди. Аммо фақат байрам сифатида эмас, балки аждодлардан мерос анъанаю удумларни олиб келди, минг йиллардан бери шакланган урфларимиз билан қайтди. Ана шу эътибор боис бугун юртимизнинг ҳар бир гўшадиси Наврўз кўтаринкилик билан нишонланапти. Байрам нафаси аллақачон одамлар қалбиға, шоир илҳомиға, ҳофиз кўшиғиға кўчиб улгурди.

Пойтахтимизнинг барча марказий майдонлари ва хибонларида ҳам байрамға катта тайёргарлик кўрилди. Элимизнинг ардоқли санъаткорлари хизматда. 21 март. Биз асосий тантаналар ўтадиган муаззам маскан — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғидамыз. Бу ерға Ўзбекистон

миз раҳбарини қарсақлар билан кутиб оладилар. Чорлов мусикаси янғрайди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келади. Байрам тантанасиға ҳозир бўлганлар давлати

Сот 10.45. Майдонға Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келади. Байрам тантанасиға ҳозир бўлганлар давлати

Сот 10.45. Майдонға Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келади. Байрам тантанасиға ҳозир бўлганлар давлати

Сот 10.45. Майдонға Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келади. Байрам тантанасиға ҳозир бўлганлар давлати



С. ЎРМОНОВ, А. АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

(Давоми 2-бетда).

Сурхондарёликлар Наврўзға пухта ҳозирлик билан келишди. Йил аввалиданок кўламазорлаштириш ва ободонлаштириш бўйича вилоят дастури ишлаб чиқилиб, воҳода ободонлаштириш, санитария-эпидемиологик ҳамда экологик ҳолатни яхшилаш чора-тадбирлари белгилаб олинди. Унда ҳар бир қишлоқ ва маҳаллада, гузарлар, хибонлар, истироҳат боғларию зибратгоҳларда, кўп қаватли уйлару ташлим муассасаларида, қорхона ва ташкилотларда, ҳўжалик ва хонадонларда амалға оширилаётган ишлар кўлами акс эттирилди.

ФАЙЗУ БАРАКА ВА ЭЗГУЛИК

Халқимизнинг азалий удумиға кўра, Наврўз айёми арафасида кенг жамоатчилик томонидан кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган кам таъминланган оилаларнинг ҳолидан хабар олиниб, уларға гулар, совғалар ҳада этилди. Жами 2877 та оилаға 127 миллион 647 миң сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, 14-15 мартда 1040 та эҳтиёжманд оилаға ҳомийлар томонидан 22,5 миллион сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилиб, биргина "Маҳалла" хайрия жамғармасининг вилоят

бўлими ҳисобидан хайрия кўмағи учун 1,7 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Хайрия ишлари Наврўз айёми арафасида авж олдирилиб, кўплаб эҳтиёжманд оилаларға маънавий ва моддий кўмак берилди. Хусусан, вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан ҳомийлар ва "Маҳалла" хайрия жамғармасининг вилоят бўлими маблағлари ҳисобидан боқувчисини йўқ, кам таъминланган оилаларға 108 бош қорамол бепул берилди. Бу би-

лан мазкур оилалар учун, бир томондан, доимий даромад манбаи яратилиб, оиладаги ёлғиз боқувчи учун меҳнат дафтарчаси очилган бўлса, иккинчи томондан, вилоятда қорва махсулотларини етиштириш ҳажмини ошириш имконияти кенгайтирилди. Аҳолининг чорвачилик ва қишлоқ ҳўжалик махсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда уларнинг арзон махсулотлар билан таъминлаш мақсадида Термиз шаҳрида байрам савдо-ярмаркалари ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

«ШУ КУНЛАРГА ЕТКАЗГАНИГА ШУҚР»

Айни дамларда Наврўзи олам завқи, шуқуҳи хонадон, оила, яқинлар даврасиға сигмайди. Айём шодиданлари уйимиздан кўчаю хибонлар, томошагоҳлару сайилгоҳларға кўчди. Шу туфайли бу кун ҳамма сайилға, сайрга чиққан. Дилидаги эзгу сўзларини тилиға кўчириш, байрамона кайфиятини бошқалар билан баҳам кўриш истағидиға юртдошларимиз кўп. Айниқса, пойтахтимиздаги хибонлар, томошагоҳлар, янада кўркамлик касб этган майдонлар пойтахтликлар ҳамда узоқ-яқиндан келган меҳмонлар билан гавжум. Ана шундай инсонлари сўхбатта тортиб, уларнинг байрам таассуротлари билан қизиқди.


Наврўз сайлиға чиққан одамлар, уларнинг кайфиятини кўриб, дилинги янғрайди. Иккинчи томондан, гўзал иншооту бинолар, кўркам майдонларни томоша қилиб тўймайсан, киши. Аслида, ҳақиқий сиҳатгоҳ ана шу сайилгоҳлар экан. Ҳозир ўзимни худди ёшлик чогларимдагидек жуда тетик ва бардам ҳис қилаёпман. Шу кунларға етказганиға шукр.

Одилжон ЭШОНОВ, Андижон вилояти:
— Ташкентта бундан роппа-роса 15 йил олдин келгандим. Бир ҳафтадан буён Ташкент вилояти Қибрай туманида жойлашган "Ботаника" санаторийсида дам олаёпман. Мана, байрам баҳона кўпчилик бўлиб пойтахтнинг бош майдониға келдик. Тўғриси, шаҳар қиёфасини кўриб оғзим очилиб қолди. Бир томондан,

Наврўз сайлиға чиққан одамлар, уларнинг кайфиятини кўриб, дилинги янғрайди. Иккинчи томондан, гўзал иншооту бинолар, кўркам майдонларни томоша қилиб тўймайсан, киши. Аслида, ҳақиқий сиҳатгоҳ ана шу сайилгоҳлар экан. Ҳозир ўзимни худди ёшлик чогларимдагидек жуда тетик ва бардам ҳис қилаёпман. Шу кунларға етказганиға шукр.

(Давоми 2-бетда).

МЕҲР-ОҚИБАТ, ГЎЗАЛЛИК ВА САҲОВАТ БАЙРАМИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинди. Барчамизнинг илдизимиз, томиримиз она-заминга боғлиқ. Шу боис Ватан деган улуг ва муқаддас тушунча, аввало, қишлоқ тимсолида намоён бўлади. Халқимизнинг ризқ-рўзи захматкаш деҳқонларимиз етиштирадиган ноз-неъматлар билан ўлчанади. Юртбошимизнинг Наврўз байрами табригида айтилганидек, "Баҳор фаслининг юртимизга серёмғир келиши, кузда эккан экинларимиз тобора кучга тўлиб, кўкка бўй чўзаётгани, ўлкамизда олиб борилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, Наврўз айёмини мана шундай шукроналик ва мамнулик кайфиятида, хурсандчилик билан кутиб олаётганимиз — буларнинг барчаси бу йилги кўзлаган юксак марраларимизга, орзу-ниятларимиз ва мақсадларимизга албатта эришамиз, деган ишона тўғтиради."

Истиқлол йилларида мўътабар қарияларимиз, ота-оналаримизнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш, бир-биримизга меҳр-оқибат ва мурувват кўрса-

хар қанча байрам қилса — шунчалар муносибдир. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қамровли ҳаётбахш ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётди. Утган давр мобайнида демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодий эркинлаштириш йўлида улкан қадамлар қўйилди. Бунинг натижасида мамлакатимизда қўлай инвестиция муҳити яратилди. Биргина 2008 йилда иқтисодий ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 6,4 миллиард АҚШ доллари миқдоринда инвестиция жалб этилди. Ўзлаштирилган инвестициялар, асосан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Шунингдек, ўтган йили ўртача иш ҳақи 1,4 баробар ошди. Ўз навбатида, аҳолининг реал даромадлари йил давомида жон бошига 23 фоиз кўпайди.

... Дилбар кўшиқлару сармаст рақсларда, ёрқин саҳна безакларида, байрам иштирокчиларининг хушнуд қиёфаларида эришган ютуқларимиздан фخرланиш ва мамнуият туйғуларини барқ уради. Майдон жажжи болакайларнинг кулгиси ва шўх-хандон қийқириқлари тўлади. Шодон кўшиқлару чаққон рақслардан кўнгиллари ярайди. Болалар табассумига не ётсин. Зеро, бу бахтиёр болалиқдан, мустақил ўр фарзандларининг беғубор ва қувноқ дамларидан дарак.

Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб баркамол авлод тарбиясига, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Фарзандлар таълим-тарбияси, соғлиги доимий эътиборда. Мактаб таълимини ривожланти-

риш, хотин-қизларимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратилган истиқболли дастурларни рўёбга чиқариш борасида ҳам салмоқли натижалар қўлга киритилди. Кадрлар тайёрлаш сиёсатининг натижалари нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам эътироф этилган. 2008 йилнинг ўзида 169 та касб-хунар коллежи, 23 академик лицей фойдаланишга топширилди. 1 минг 875 та мактабда янги қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилди. 184 та спорт иншоотида қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилиб, минглаб фарзандларимизнинг спорт билан шуғулланиши учун яратилаётган имкониятлар янада кенгайтирилди. Буларнинг барчаси келажак йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг ёрқин ифодасидир.

Ҳавода ранго-ранг шарлар учеди. Халқимизни, Ўзбекистонни мадҳ этувчи, ўзликни улғуровчи яллардан сўнг халқ маросимлари ва миллий спорт ўйинлари мисолида элимизнинг миллий ўзига хос фасилат ва хислатлари тараннум этилади.

Байрам арафасида шаҳар ва қишлоқларимизда кўплаб янги иншоотлар, корхоналар, ўқув муассасалари қуриб битказилди. Бундай саъй-ҳаракатларнинг мазмун-моҳиятида, аввало, халқимиз фаровонлигини, юртимиз тараққиётини таъминлаш, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонига обрў-эътиборини янада юксалтиришдек хайрли ниятлар мужассамдир.

Томошалар қизгандан-қизийди. Санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш санъаткорларнинг она-юртини, истиқлолни, Наврўзни, баҳор ва муҳаббатни мадҳ этган чиқишлари қалбларни тўлқинлантиради. Муסיқий оҳанглар, дилтортар қуслар, фусункор саҳна манзаралари кишига завқ-шавқ бағишлайди.

Куй-қўшиқ ва алёрларда жонажон Ватан тараннум этилади. Бундай шуқуҳли дамларда аждодлардан бизга, биздан авлодларга мерос шу Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси жону таъминига янада тэранроқ синггаётгандек. Наврўз шодиёналарининг жозибаси, бутун кўрку таровати ҳам аслида шунда!..

Миллий боғ бўйлаб ўтган йўлак теграсида турли қандолат, ноз-неъмат дўконлари, миллий хунармандлар расталари, чорпоқлар ўрнатилган. Дошқозонлар бошида пазандалар сайил ахлини сумалак, ҳалим каби турфа таомлар билан сийлайдилар.

Баҳорни ҳар бир халқ ўз урф-одатларига хос тарзда кутиб олади. Наврўзда наинки табиат, айна чоғда кишиларнинг ҳис-туйғулари ҳам уйғонади. Кўнгилда орзу-умидлар барқ уради. Наврўз юртимизда мана шундай шодиёна ва хайрли айём сифатида нишонланаётгани ўзгичмиз, ўзига хослигимизнинг яна бир намоёиши, ахил ва иноқ халқ эканимизнинг далолатидир.

Наврўз тантаналари чоғида ана шу шуқуҳни, миллат истиқболини ўйлаб олиб борилаётган ислохотларни, бунёдкорликни тараннум этувчи кўшиқлар янграйди. Юртимизнинг машҳур санъаткорлари, "Нихол" мукофоти соҳиблари ўзларининг янги кўшиқ ва жозибали рақслари билан байрамга шуқуҳ, меҳмонлар қалбига завқ улашадилар.

Миллий бодгади Наврўз тантаналарининг таровати бутун юрт узра, қалблардан қалбларга қўчиб юриверади. Жойларда, маҳаллаларда, юртимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам халқ сайли давом этаверади. Байрам шуқуҳи барчани яратиш, янада тишдек эзгу юмушларга чорлайверади.

Юртимизга хуш келибсан, Наврўзи олам!

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Наврўз тухфаси

Қашқадарёда Наврўз тантаналари хайрия тadbирларига улашиб кетди. Ташкилотлар ва ҳомийлар томонидан 28 минг нафардан зиёд фуқарога 1,5 миллиард сўмлик совға-саломлар улашилди.

Хайрия тadbирлари

Жумладан, Меҳрибонлик, Мурувват ва Саховат уйларига 19,7 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. "Муборакнефтьгаз" унитар шўъба корхонаси жамоаси эса 50 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйини ўтказишда бош-қош бўлди. Шунингдек, бир нафар корхона ишчисининг никоҳ тўйини ўтказди.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Корхонанинг янги маҳсулотлари

Кегейли туманида чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхона ишга туширилиб, ўнлаб йилгит-қиз иш билан таъминланди.

Мазкур корхона учун маҳсулоти қорақалпоқ зарур технология ва ус-куналар Австриядан келтирилди. Бу ерда ишлаб чиқарилган 18 турдаги дастлабки гўшт

Х. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Эътибор ва ғамхўрлик

Айём кунлари "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлими жамоаси Бухоро шаҳридаги 24-кўча оғиз болалар мактаб-интернатида бўлиб, бу ерда таълим тарбия олаётган болажонларга совғалар тарқатди.

Шунингдек, 32-Меҳрибонлик уйи 7 нафар тарбияланувчисининг мучал тўйини ўтказишда елкадош бўлишди. Бундан ташқари, 107 та кам таъминланган оилага 2 миллион 700 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатиб, баҳорий байрамнинг кўтаринки руҳда ўтишига ҳисса қўшдилар.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Бахт уйи» эшик очди

Фаргона шаҳрида "Қувасой таъмирлаш-қурилиш" корхонаси бунёдкорлари томонидан барпо этилган "Бахт уйи" биноси ишга тушди.

Мазкур иншоот қурилиши учун 1 миллиард 300 минг сўм маблағ сарфланди.

Наврўз айёми арафасида ушбу "Бахт уйи" биринчи мижозларини қабул қилди. Аниқроқ айтганда, Ҳалимжон

Дехқонов ва Раънохон Собированинг никоҳи қайд қилиниб, вилоят ҳокимлиги мутасаддилари томонидан уларга эр-хотинлик гувоҳнома-си топширилди.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Болажонлар қувончи чексиз

Жиззаҳдаги 29-Меҳрибонлик уйи болаларига Республика маданият ходимлари Касаба уюшмаси кўмитаси, "Жиззахавтойўл" ва "Матлубот савдо" акциядорлик жамиятлари ҳамда яна бир қатор ташкилотлар томонидан 17 миллион сўмлик байрам совғаси улашилди. Айниқса, спорт либослари ва анжомлари ҳамда турли хил музика асбоб-ускуналаридан болажонлар жуда мамнун.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



«Наврўз – 2009»

Пойтахтимиздаги «Эшлик» талабалар шаҳарчасида Наврўз айёми муносабати билан «Эшлар сайли» байрам дастури ташкил этилди.

ТАЛАБА-ЁШЛАР САЙЛИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб қамолга етказиш, уларга пухта таълим-тарбия бериш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан таълимга янги қиёфа касб этган «Эшлик» талабалар шаҳарчасида ёшларнинг ўқиши, яшаши учун яратилган шарт-шароит ва кенг имкониятлар ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Айни пайтда шаҳарча худудидаги замонавий олий ўқув юртлири, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларида 45 мингга яқин талаба ва ўқувчи таълим-тарбия олмақда.

Кўтаринки руҳда ўтган байрам тантаналарида санъат усталари, ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт дастури даврага ўзгача файз киритди. Эшлар спортнинг теннис, арқон тортиш, кураш, армрестлинг, шахмат-шашка ва бошқа турлари бўйича беллашдилар. Дошқозонларда сумалаклар пиширилиб, дастурхонларга тортилди.

Шаҳарчада истиқомат қилаётган талаба-ёшлар ўртасида «Миллий урф-одат, қадрият ва анъаналар» мавзусида кўрик-танлов ўтказилиб, турли номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди.

Гўзал САТТОРОВА,
ЎЗА мухбири.

«ШУ КУНЛАРГА ЕТКАЗГАНИГА ШУҚР»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Роҳат ХОЛМУРОДОВА, Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани:

— Табиатнинг кудрати, қаҳорнинг мўъжизасини баҳаранги, бугун Наврўз муносабати билан шаҳару қишлоқларимиз бир-биридан гўзал, бир-биридан файзли. Икки кун аввал кўшимизнинг пойтахтлик қариндоши «Қашқадарёнинг Наврўзини соғиндик» деб Чироқчига меҳмон бўлиб борибди. Бир кун ўтиб биз турмуш ўртоғим билан онам Ойлар ая, қизим Маржонахон ҳамроҳлигида пойтахтга йўл олдик. Очиги, бу сафаримиз бир умр ёдимизда қолса керак. Аслида, бу ердаги одамлар бизга нотаниш. Лекин уларнинг чеҳрасидаги табассум, кайфиятни кўриб, худди яқинлар билан сайилга чиққандек бўлаямиз. Шаҳарда икки кун қолиб, уйга қайтмоқчи эдик. Бироқ бу муддат ҳали анча чўзиладиганга ўхшайди. Бу ёқда Наврўз шодиёналари қизгин давом этаётган бўлса-ю, биз шундай ажойиб байрам сайлини ташлаб кета оларимидик?!

Муяссар ТОЛИПОВА, талаба:

— Тошкент кимё технологиялари институтида тахсил оламан. Курсдошларимизнинг кўпчилиги байрамни қарши олиш учун вил-

ятларига кетишди. Биз уч дугона — Феруза, Дилноза билан келишиб, бу йил Наврўзни Тошкентда нишонлашга қарор қилдик. Қаранг, кўча ва хиёбонлар одамлар билан гавжум.

Муҳими, бугун барча шодо хуррам, ҳатто отахону онахонлар ҳам болалардек қувноқ, гайратли. Наврўз инсонларга яшариш бахтини инъом этади, дейишгани рост экан.

Акмал ЭРҒАШЕВ, тазквондо (ВТФ) бўйича халқорол турнирлар совриндори, Фаргона вилояти:

— Кўп вақтим мусобақалар жараёнида кечеди. Пекин Олимпиадаси йўланмасини қўлга киритган, даярли бир йил давомида устозларим ёрдамида кучайтирилган машғулотларда иштирок этдим. Тўрт йилликнинг энг нуфузли беллашувда бешинчи ўринни эгаллаш насиб этди. Лекин бу мен учун марра эмас. Қайси вилоятга бормай, ишқибозлар хурмат билан кутиб олишди. Спортчи бўлиб танилганимдан бағоят мамнунман. Бундан кейин ҳам бор куч-гайратимни ўзбек спортини янада ривожлантиришга бағишлайман.

Жорий йил ҳам тазквондочиларимиз Таиланд, Жанубий Корея, АҚШ, БАА, Голландия, Канада ва Руминия давлатларида ўтайдиган нуфузли мусобақаларда иштирок этишди. Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни янгилаштириш ва яшариш айёми — Наврўзи олам билан чин юракдан табриклайман. Спортчиларимиз мусобақаларда фахрат олтин медаллар соҳибига айланишсин!

«Халқ сўзи» мухбирлари Зайдулла ЖОНИБЕКОВ, Фаррух БЎТАЕВ ёзиб олди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Байрам тадориги давомида маънавий-маърифий ишлар қўлами ҳам сезиларли даражада кенгайтирилди. Наврўзга бағишланган "Наврўз ва миллий қадриятлар", "Истиқлол берган имконият", "Нега биз Наврўзни

байрам қиламиз?", "Беруний Наврўз ҳақида", "Алишер Навоий ва Бобур таърифида баҳор ва Наврўзи олам" каби мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда, маърузалар ўқилмоқда.

Қуни кеча Термиз шаҳрида Наврўз байрамини бағишланган вилоят миқёсидаги тантаналар кўтаринки руҳда ўтди. Байрам тadbирини икки километрлик масофага югуриш марафони билан бошланди. Термиз темир йўл вокзалидан


вилоят марказидаги Мустақиллик майдонига қадар бўлган масофада ташкил этилган бу мусобақада 2,5 мингга яқин киши қатнашди. Байрам барчада улкан таассурот қолдирди. У чет элдан ташриф буюрган меҳмонларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, Афғонистон Республикасининг таниқли журналисти Файзул Ҳақ Йўлчи бу ҳақда қуйидагиларни баён этди:

— Мамлакатингизга республика мустақилликка эришишдан олдин ҳам, ундан кейин ҳам келиш бахтига муяссар бўлганман. Диёрингизда юз бераётган кенг қўламли ижобий ўзгаришларни кўриб, қувонаман, ҳавас қиламан. Фуқаролар томонидан миллий қадриятларни асраб-авайлаш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, айнақса, мақтовга сазовор. Воҳа бўйлаб саёҳат қилиб, байрам тантаналарида иштирок этар эканман, одамларин-

гизнинг ҳаёт тарзини кузатишим, уларнинг хушнуд чеҳраларига боқиб, ҳаётларидан мамнун эканликларини, Юртбошимнинг ўз фуқаролари учун астойдил ғамхўрлик қилаётганлигига амин бўлдим. ...Байрам дастурининг айна қизиган палласида баҳор осмонидан турналар "қурей-қурей"лаб учиб ўтди. Томошабинлар орасидан кексароқ кишининг "Турналар пастлаб учаяпти, дедик, йил баракали келади", деган

ни эшитилди. Бу Яратганининг элимизга берган белгиси эдимки ёхуд она-табиат кишиларига баҳорги салом билан даракчиларини юбордими, айтиш қийин. Ҳарнечук, Наврўзни кўтаринки руҳда нишонлаётган жанубликларнинг бу йилдан кутаётганлари фақат эзгулик, уларнинг тузаётган режалари катта, белгилаётган марралари юксак, вазибалари залворли.

Гулбаҳор ТАНГИРОВА,
ЎЗ мухбиримиз.



Ўлкамизга янгиланиш ва яшариш фасли — баҳор кириб келганида, қалбимиз сурурга тўлади, диллимиз яйрайди. Негаки, баҳор ўз нафаси билан кўнгилларни илтидади, яшашга бўлган иштиқни оширади. Айниқса, Наврўзнинг кириб келиши барчамизни бирдек қувонтиради. Наврўз, бир сўз билан айтганда, бунёдкорликни, экиш, яратиш, кўкартиришни, ердаги ҳаётни яшнатишни улуғлайди.

ЯНГИЛАНИШ ВА ЯШАРИШ РАМЗИ

Диёримизда Наврўз неча минг йиллар мобайнида Йилбоши байрам сифатида нишонланиб келинган. Аммо шўро замонида у эътибордан четга суриб қўйилган эди. Шўқри, Мустақиллик туфайли миллий байрамимизга янги ҳаёт бағишланди. Президентимиз ташаббуси ва дадил саъй-ҳаракати туфайли 1989 йилдаёқ Наврўз қайтадан кенг қўламада нишонлана бошланди. Бу эзгу айём ҳар биримизнинг ҳаётимизга, қалбимизга қайтди.

ниятда ерга уруғ қадамқодлар. Бугунги дориламон кунларда Наврўз нафақат янгидан бўй кўрсатди, мазмунан ва шаклан бойиди ҳам. У биз учун бунёдкорлик ва яратувчилик байрами сифатида азалий қадриятга айланди. Бу айём арафасида шаҳар ва қишлоқларимизда хайрли тадбирлар, умуммиллий хашарлар уюштирилмоқда. Бундай саъй-

да ривожлантиришга алоҳида эътибор, чексиз ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Буюк аллома ва азиз авлиёларимиз муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш, уларнинг бой илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш, айниқса, ёшларимиз онгига синдириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Қадрият

Харакатлар моҳиятида юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, фаровон ва тўкин ҳаётни таъминлашга интилишдек эзгу ниятлар муҳасам. Наврўз буюк аждодларимизнинг бой маданий меросини тиклаш имконини ҳам берди. Зотан, уларнинг илм-фан ва маданиятнинг кўплаб соҳалари тараққиётга қўшган бебаҳо ҳиссасини дунё ахли кенг эътироф этди. Шу боис Наврўз байрами билан боғлиқ анъана ва қадриятларимиз мажмуи ЮНЕСКО томонидан Инсониятнинг оғзаки ва номоддий маданий мероси дурдоналари рўйхатига киритилди.

Мамлакатимизда аждодларимиз қолдирган бой маданий меросни тиклаш ва яна-

Бу йил Наврўз мамлакатимизга эзгу ва хайрли юмушларни бошлаб келаётгани билан ҳам ўзгача қадр-қимматга эга. Зеро, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда жамиятимизда, кишиларимиз ўртасида халқимизга хос фазилатлардан бўлган ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат сингари инсоний аъмоллар янада ривож топмоқда.

Насимжон АЛИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Мен элимизнинг бахтли кексаларидан бириман. Оллоҳнинг муруввати билан ёшим 90 дан ошди. Бахтиёрлигим фақат шундан эмас. Энг муҳими, бу дунёга келиб, ёшимни яшаб, она-юртим ва элимизнинг озодлик, эркинлик топганлигини, мустақилликда яшаб ривожланаётганини кўришга муяссар бўлганимдан қувончим чексиздир.

Истиқлол туфайли миллий ўзлимизга эга бўлдик. Мана, Наврўздай севиқли байрамларимизни мамлакатимизда бугун беҳадик, эркин ва катта шодийлар билан, яйраб, мириқиб нишонламоқдамиз.

Мен ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида мактаблар ва олий ўқув юрталарида ўқитувчилик қилиб, минглаб ёшларга сабоқ бердим. Уларнинг орасидан Ватанимизда таниқли, фидойи, заҳматкаш инсонлар етишиб чиқди. Улар мени йўқлаб, устоз, мураббий деб халигача хурмат-иззатини ўрнига қўйиб келишяпти. Бу ҳолат мени беҳад шод этади. Камтарона меҳнатларим туфайли Ватанимиз ардоғига сазовор

ҲАЁТИМДАН БЕҲАД МАМНУНМАН

бўлиб, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи" деган шарафли унвон соҳибига айландим. Республика аҳамиятига молик пенсионерман.

Шукрона

Инсоннинг узоқ умр кўриши учун тўрт муҳасининг соғ бўлишидан ташқари, руҳияти бардам, ҳаётдан мамнун бўлмоғи ҳам керак. Руҳиятнинг бардамлиги, шакшубхасиз, инсон умрига-умр қўшади. Шахсан мен Президентимиз эъзозидан баҳраманд ўн минглаб нуроний инсонлардан бириман. Оромгоҳларга мунта-

зам йўлланмалар бериб туришади. Шифокорлар соғлигимни мунтазам назорат қилиб боришади. Уларнинг меҳрибонлиги, хушмуомалалигию ширинсуханлигини айтмайсизми... Маҳалла, туман раҳбарлари айёмларда ҳамisha йўқлаб, хурматимни жойига қўйишади. Барчаларига раҳмат! Мана шундай инсонпарвар давлат ва жамиятни барпо этиб, унинг асосларини тинимсиз такомиллаштириб бораётган муҳтарам Юртбошимиз бошимизда узоқ-узоқ йиллар омон бўлсинлар.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб ном олган жорий йилимиз Ватанимиз, бутун халқимиз учун энг бахтли-саодатли йиллардан бири бўлсин, илоҳим.

Зайниддин ИСАМУҲАММЕДОВ,
Тошкент шаҳри

Қисқа сатрларда

Урганч шаҳрида Наврўз байрами арафасида 2 та тўрт қаватли тураржой биноси қурилиб, 64 та ёш оилага берилди.

Ёш оилалар ўйли бўлди

Мақзур тураржой бинолари қурилиши учун "Ипотекабанк" АТИБ филиали 2 миллиард 466 миллион сўм маблағ сарфлади.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Чимбойда меҳнат бозори

Чимбойда ташкил этилган меҳнат бозорига тумандаги 36 та қорхона ва муассаса 112 та бўш иш ўрни билан қатнашди.

Тадбир якунида 108 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Эътиборлиси, уларнинг 50 нафари хотин-қизлардир.

Х. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркорлар қиммати

Тўрақўрғон туманидаги Шаҳанд кишлоғи аҳолиси ака-ука тадбиркор Анваржон ва Аҳмадҷон Абдуллаевлардан миннатдор.

Улар қишлоқда савдо-ишлаб чиқариш мажмуасини барпо этиб, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйди.

Муҳими, ака-уканинг бу ишбилармонлиги туфайли шаҳандликларнинг 60 нафари ишли бўлди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Carlsberg Uzbekistan
CARLSBERG UZBEKISTAN
Барча Ўзбекистон аҳлини баҳор ва янгиланиш байрами — Наврўзи олам билан табриклаймиз!
Сизга бахт, соғлиқ ва омад тилаймиз.
Ҳар бир оилادا тинчлик, эзгулик ва фаровонлик барқарор бўлсин!

ҚАДРЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

«Микрокредитбанк» сизнинг эл фаровонлиги йўлида яратувчилик борасидаги барча режаларингизни амалга оширишингизда молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди!

- бошланғич сармоияни шакллантириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 200 бараваригача миқдорда бериладиган микрокредитлари учун тўланадиган йиллик фойз тўлови 5 фойздан 3 фойзга;
- кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдоридagi микрокредитларнинг йиллик фойзи Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 100 фойздан 50 фойзига;
- энг кам иш ҳақининг 2 000 баробари миқдорда бериладиган имтиёзли микролизинг хизматлари учун тўланадиган йиллик фойз 7 фойздан 5 фойзга туширилди.

Тежалган ва жамғарилган сармоияларингиз янада катта режаларни амалга оширишга хизмат қилиши мумкин.

ТАКЛИФ СИЗДАН — САРМОЯ БИЗДАН!

Сизга кўрсатилаётган хизматлар сифати ва ечилмай қолаётган муаммолар ҳақида албатта хабар беришингизни сўраймиз.

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки ва вилоят филиалларида ташкил этилган «Ишонч телефонлари»

Банк филиаллари номи	«Ишонч телефонлари» рақамлари
Республика аппарати	(8-371) 273-43-11
Қорақалпоғистон Республикаси	(8-361) 224-94-66
Андижон вилояти	(8-374) 298-07-96
Бухоро вилояти	(8-365) 223-81-49
Жиззах вилояти	(8-372) 224-47-09
Қашқадарё вилояти	(8-375) 221-12-72
Навоий вилояти	(8-436) 223-49-21
Наманган вилояти	(8-369) 234-15-97
Самарқанд вилояти	(8-366) 210-07-93
Сурхондарё вилояти	(8-376) 222-79-82
Сирдарё вилояти	(8-367) 225-49-23
Тошкент вилояти	(8-371) 250-74-25
Фарғона вилояти	(8-373) 224-97-94
Хоразм вилояти	(8-362) 226-02-48
Тошкент шаҳри	(8-371) 273-05-86



Йиллар ўтади, даврлар ўзгаради. Ёшлар камолга етади, ниҳоллар чинорларга айланади. Инсон умри давомда кўп нарсаларни бошидан кечиради. Аммо ўзи туғилиб ўсган Ватаннинг озодлигини кўриш одамзод учун беқиёс тухфадир. Шу маънода, юртимиз хурлиги, истиқлол йилларидаги ўзгаришларга гувоҳ бўлиш насиб этганидан бахтиёрмиз. Байрамларимиз кўп, яхши кунларимиз бисёр. Буларнинг барчаси истиқлол шарофатидан, албатта. Эзгулик айёми — Наврўзи олам ҳам ана шундай шодиёналаримиздан бири.

НИҲОЛЛАР ЧИНОРЛАРГА АЙЛАНАДИ

Азал-азалдан Наврўзи олам янги кун, янги фаслнинг элчиси ҳисобланган. Истиқлол туғайли Наврўзи миллий байрам сифатида нишонланмоқда. Йиллар давомида таъриқ ва таъқиблар исқонжасида қарши олинган бу азалий айём, шукрки, муस्ताқилликнинг дастлабки йиллариданқо қаддини тикилади. Эскилик сарқити сифатида қарийб унутилишгача борган халқ сайли бугунги кунда мамлакат миқёсида катта хурсандчилик билан тантанана қилинмоқда.

Баҳор айёмига беш кун ганжимат англа, эй булуза, Ка, мучча сўзи тобинг оташи гул мижжариндидур. Навоий мазкур байтида лирик қаҳрамон булбулга хитоб этиб: "Эй булбул, бунчалар ўтли сайрашининг боиси гулнинг васлидан, шунинг учун беш кунлик баҳор айёмида гулдан баҳраманд бўлгин", деб таъкидлайди.

"Бадоеъ ул-васад"нинг 452-ғазалидаги мана бу байтда эса энди лирик қаҳрамон булбулга эмас, гулга хитоб орқали ўз фикрини баён этади.

Кўп, эй гул, урма булбул жонига бедод, хорингсим Сени мендек гулу булбулун кўп ўтқарди бу бўстон.

Мазкур сатрдаги "Хор" сўзи форсча "тикан" дегани бўлиб, байтда дунёнинг боқийлиги гулу булбулларнинг фойиллиги орқали эътироф этилган. Бу бўстон умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари, касб-хунар коллежлари талабалари ҳамда 64 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларидан ташриф буюрган спорт ихлосмандлари қатнашди. Икки миш нафардан зиёд марафончилар Товул қишлоғидан старт олиб, 10 километрик масофани босиб ўтишди.

Катта спорт тадбирида тумандаги умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари, касб-хунар коллежлари талабалари ҳамда 64 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларидан ташриф буюрган спорт ихлосмандлари қатнашди. Икки миш нафардан зиёд марафончилар Товул қишлоғидан старт олиб, 10 километрик масофани босиб ўтишди.

Жорий йилда бешариқликлар бу оммавий югуриш мусобақасига жиддий ҳозирлик кўришди. Шу боис бу йилги марафон иштирокчилари ҳар йилгидан кўп бўлди. Катта спорт тадбирида тумандаги умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари, касб-хунар коллежлари талабалари ҳамда 64 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларидан ташриф буюрган спорт ихлосмандлари қатнашди. Икки миш нафардан зиёд марафончилар Товул қишлоғидан старт олиб, 10 километрик масофани босиб ўтишди.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Наврўзи оламни биз ўзининг чуқур маъно-мазмуни ва фалсафаси билан ҳаётимиздан алоҳида ўрин олган, яшариш ва янгиликни палласи, шарқона янги йилнинг дебочаси сифатида ардоқлаймиз.

Жиззах шаҳридаги «Наврўзбулоқ» пойга майдонида мотопойга бўйича Ўзбекистон кубогининг финал босқичи бўлиб ўтди.

«Наврўзбулоқ»да автопойга

Унда Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 15 та клубнинг 100 нафарга яқин спортчилари голиблик учун кураш олиб бордилар.

Мусобақа якунида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган Тошкент вилояти вакиллари махсус кубок билан тақдирланди. Хоразм вилояти жамоасига иккинчи, Жиззах вилояти мотопойгачиларга учинчи ўрин насиб этди. Клублар ўртасида эса Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати спортчилари голибликни қўлга киритди.

Шахсий биринчилик голиблари олти классдаги мотоцикллар пойгасида аниқланди. Унга кўра, Максим Заднов (Навоий тоғ-металлургия комбинати), Аҳмад Самадов (Қорақўл спорт техника мактаби), Эркин Хлюси (Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати) ва Марсел Галиев (Жиззах автомобиль мактаби) шириндорлар сафидан жой олишди.

Баҳридин САТТОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Боқий байрам

— боқий, ундаги гулу булбуллар — ўткинчи, не-не гулу булбул бу бўстонга келиб-кетди. Шундай экан, эй гул, вақтини ганимат билгин! — у булбулга бунача бедод хорингни (яъни тиканингни) урма, у ҳам фурсат борида сендан баҳра олсин.

Мазкур сатрлардан келиб чиқадиган мантқий хулоса аниқ: эй инсон, умр ўткинчи, ундан фойдаланиб қол, бировларга озор берма, барбир ҳамма ўтиб кетади, бу дунё эса мену сендекларнинг кўпини қўрган, қўраверади.

Сўнгий Шероий ижодида ҳам Наврўзи — баҳор васфи алоҳида ўрин эгаллаган: *Наврўзи ўлка байроғини тикди букун сахро аро, Қаҳрамон қиш лашкари чекайди бу даъво аро. Ҳар чаман келинчага тикди осмон марварид, Ови олмиши будурт тавосиким дарё аро.*

Наврўзи байрамни нишонлашда ота-боболаримизда шундай бир ишонч бўлганки, агар бу айём қанчалик хурсандчилик, инोकлик, ҳамжиҳатлик билан нишонланса, йил кўтаринки йўсинда давоми этади, деб билганлар. Иншоолло, бизнинг халқимиз ҳам фасли навбахорни тинчлик-осойишталик билан бошлаб, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида катта муваффақиятларга эришажак.

Турғун ТОШЎЛТАТОВ, шарқшунос олим.

Фаргона вилояти Бешариқ туманида ҳар йили Наврўзи байрами арафасида югуриш марафони ўтказиш анъанасига айланган.

Анъанавий марафон

Жорий йилда бешариқликлар бу оммавий югуриш мусобақасига жиддий ҳозирлик кўришди. Шу боис бу йилги марафон иштирокчилари ҳар йилгидан кўп бўлди.

Катта спорт тадбирида тумандаги умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари, касб-хунар коллежлари талабалари ҳамда 64 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларидан ташриф буюрган спорт ихлосмандлари қатнашди. Икки миш нафардан зиёд марафончилар Товул қишлоғидан старт олиб, 10 километрик масофани босиб ўтишди.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Совғалар улашилди

Пойтахтимиздаги «Турон» мажмуасида ҳам Наврўзи олам тантаналари ўзгача завқ ва кўтаринки руҳда кутиб олинди.

Ўзбекистон Нозирлар жамияти Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан уюштирилган айём шодиёнаси меҳмонларга янада байрамона кайфият бахш этди. Тадбирда қатор ташкилотлар вакиллари иштирок этиб, йиғилганларни айём билан қутлашди. Жумладан, пойтахтимизда истиқомат қилаётган 140 нафардан зиёд нозирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига қимматбаҳо совғасаломлар улашилди.

Ш. БОЙМУРОДОВА.

Айём шукуҳи

Республика Болалар кутубхонасида «Наврўзинг муборак, Ўзбекистони!» деб номланган адабий-мусликий тадбир бўлиб ўтди.

Ватан тараннуми

Унда ёш ижодкорлар ўз бадий чиқишлари билан йиғилганларни хушнуд этишди. Айниқса, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси қошидаги «Янги авлод форуми» болалар ижодиёт марказининг ҳамда Успенский номидаги Республика махсус мусика академик лицей ўқувчилари иштирокидаги байрамона куй-қўшиқлар, Ватан мадҳи тараннуми эфир бахру байтлар барчага манзур бўлди.

Ш. ОРИПОВА.

Гўжа

Гўжа оши жуда тўйимли бўлиб, инсонга қучкуват бағишлашда женьшень ва сумалақдан кейин туриши таъкидланади. Уни йилбоши — Наврўз кунини байрам дастурхонига тортишади. Халқ ўртасида йиғилган барча масаллик — қўй, мол гўштлари, бугдой, арпа, жўжор, нўхат, ловия, мош катта қозонларда илқдай милтиллатиб ҳаммага баробар тарқатилади.

Ҳалим

Ҳалимни тайёрлашда бугдой, гўшт, ўсимлик мойи ишлатилгани сабабли бу таом оқсилга жуда бой. Оқсил эса инсон организмда «қуришлиқ материали» вазифасини бажаради. У иммунитетни ошириб, меъда-ичак, марказий асаб тизими, мия, юрак фаолиятини яхшилашга ёрдам бериши халқ таъбабатида исботланган.

Наврўз таомлари

Кампирнинг йилгидан қизи Кунсулув уйғониб кетди. Кўрқди. «Эна, сизга нима бўлди», дея қошига келди. Кампир жавоб бермади, ҳиқиллайверди. Устидан кўрпани адоққа итарди. Кунсулув талчандоғи фонуни ёқди. Онанинг юзи тердан йилтилар, йиллагани билинмасди. Кунсулув кампирнинг пешонасидан тери артди.

риб келди. Нон сўради. У бошқаларга ўхшамас, хушрўй ва покиза эди. Момосулув уни дастурхонга чақирди. У ёқ-ёқдан гурунг қилишди. Шунда тиланчи аёл Бойсон тоғида бир табиб яшашини, у кўрган беморларнинг бари даво то-

мирларини ушлади. Бошининг бир-икки жойини сиқди, уқалади. Кейин тилини, тил остини синчиклаб кўрди. Қўзига тикилиб: «Қизим, эртароқ хабар бермапсанлар-да, тоза қийналибди», деди. Момосулув йилгасиради, «Қушноч

арикнинг буйидаги қорни тозаледи. Ёнидаги пичоқ билан бўртиб турган ерни қовлади-да, бошмалдоқдай бир неча картошкаларни Толибжонга узатди. Толибжон чўпонинг хизматига миннатдорчилик билдириб, ортига қайтди.

Момосулув мойчечак картошканин тўраб, қайнатди. Онасига тутқазувди, озорқ ичди. Сўнг мириқиб уқлади. Тонгда уйқудан чиройи очилиб турди. Бугдойнинг оппоқ томирини ҳам қайнатиб ичрди. Бемор роҳат қилди. Энди она сумалак егиси келаётганини айтди. Кунсулув бу гапни Бибиҳол отинга етказди. Отин момоларни йиғиб, уч кун ўтиб сумалакни бошлашди. Бемор ховури кўтарилиб турган сумалақдан тўйиб-тўйиб еди. Оёққа турди. Кунсулув топиб келган бир энда бинафшани кўзига суртди. Бир пийла сумалакни кўлига олиб ташкарига чиқди. Пийлани ерга қўйиб, заминга тазим қилди. Пийлани ердан олиб икки бармоғини сумалакка уриб, оғзига қўйди. Хаёлан Наврўз сайлига от миниб кетаётган раҳматли чоли Гулимнат отага нозкараш қилди. Ота, «Ха кампир тушмагур, Наврўзга чиқиб олдинг, энди ўлмайсан», дегандек бўлди, гўё.

Дилмурод СОДИҚОВ.

СУМАЛАК

Беморнинг иссиғи баланд эди. Кунсулув наридан-бери кийиниб, ошхонага чолди. Зулфутурумқоқ қайнатди. Унинг суви иситгани дарвор қолдиради. Кампир аччиқ сувдан бир қултум ҳам ичолмади. Кўнгли ағдарилди. Кунсулув нима қиларини билмай боши қўтди. Тонг қоронғисида катта ўғлини эргаштириб Улдона қушочини айтиб келди. Қушноч шамолчиқоқ ёқди, сўнг кампирни мушлак кўрди. Барбир қор қилмади. Баттар оғирлашди.

оромини йўқотди. Утирсаям, турсаям онасини ўйлайверди. Уй эса одамнинг ичинни қамради. Кунсулув бундан ўзини олдириб, чўлдай осиб қолди. Ҳаммадан ҳам кампирнинг катта қизи — Момосулувга кийин бўлди. Унинг эри бад-жаҳл, хотинини ҳаде-гада онасиникига юборавермайдди. Момосулув эвини қилди — касалгаям қаради, ҳам рўзгорнинг ишини дундирди. Унинг келгани қувват бўлди чоғи, Кунсулувнинг рангига қон югуриб, бир оз эт олди. Бирок, шундай маҳалларда ўғил боланинг ўрни сезиларкан. Нақора, ўғил фарзанд кампирнинг пешонасига ёзилмаган-да.

Аёли кунларнинг бирида эшикдан тиланчи аёл киб кетганини айтиб қолди. Эртасига Момосулув эри билан табибни излаб тоқиб келди. Табиб тоғнинг Оқ қоя деган қишлоғида яшаркан. У

билан дўхтирни олиб келдик, бува. Лекин наф бўлмади», деди. «Хай, майли, — деди чол. — Мойчечакнинг қартишқасини, кейин бугдойнинг томирини бир қайнатиб беринглар-чи! Ҳарна фойда берса. Уч кун кутинглар. Сўнг менга хабар қилинглар». Шу билан табиб кетди.

Момосулув бир товоқ бугдойни ювиб, сувга солди. Турмуш ўртоғи Толибжон эса мойчечак қидириб, тоқча йўл олди. Тоғда қор эрмаган эди. Мойчечак тополмай қайтаётди. Толибжон бир чўпонга дўк келди. Унга ниятини айтди. Чўпон Толибжонни пича наридаги қоянинг тағига бошлаб борди-да, жилдираб сув оқиб турган

Беморниқига пешинда етиб келишди. Кунсулув мунгайиб ўтирган экан. Табиб: «Ўзинг шифо бер», деб онанинг қилини баланд кўтариб, то-

Инсон манзаралари

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ

Барча турдаги коммунал хизматлари тўловларини қабул қилади

Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!

ТЕЛ.: 233-57-47. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ
ФАКС: 236-09-21. E-MAIL: OAJ@POST.UZ

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 53053 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Оффсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терияди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадвали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонхонов.
Навбатчи — Ф. Бўтаев.
Мусаҳҳиҳ — Х. Тошқужаев.